

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-
ҚИММАТИ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ВА
МАЪНАВИЙ ЗИЁН УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ**

Улугбеков Баходир Абдасович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти бошлиғи
ўринбосари, Касбий тайёргарлик факультети бошлиғи, полковник
Тел: +998 97 709 70 51*

Аннотация: Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш натижасида етказилган зарар ва маънавий зарар учун фуқаролик жавобгарлигининг асослари ва таркиби кўриб чиқилади. Ҳимоянинг ҳуқуқий асослари, жумладан, Фуқаролик кодекси, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи махсус норматив ҳужжатлар қоидаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган ҳуқуқбузарлик элементлари: маълумотларнинг ҳақиқатга мос эмаслиги, унинг тарқалиши факти, зарарнинг мавжудлиги ва сабаб-оқибат муносабатлари таҳлил қилинади. Мақолада ишнинг индивидуал ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда моддий зарарни қоплаш ва маънавий зарарни қоплаш тамойиллари ҳам очиб берилган. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари, ёлгон маълумотларни рад этиш имкониятлари ва тухмат туйфайли етказилган зарарни қоплаш механизмлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик, маънавий зарар, шаъни, кадр-қиммати, ишчанлик обрўси, ички ишлар органлари ходимлари, тухмат, зарарни қоплаш, обрў-эътиборни ҳимоя қилиш, ёлгон маълумотлар.

Аннотация: В статье исследуются основания и состав гражданско-правовой ответственности за вред и моральный вред, причиненные распространением сведений, причиняющих вред чести, достоинству и профессиональной репутации сотрудников органов внутренних дел. Особое внимание уделено правовой основе защиты, в том числе положениям Гражданского кодекса, правовым документам о средствах массовой информации, а также специальным нормативным документам, регулирующим деятельность правоохранительных органов. Анализируются элементы состава правонарушения, необходимые для гражданско-правовой ответственности: недостоверность информации, факт ее распространения, наличие ущерба и причинно-следственная связь. Также в статье раскрываются принципы возмещения материального вреда и возмещения морального вреда с учетом индивидуальных обстоятельств дела. Рассмотрены права сотрудников внутренних

дел на защиту своей репутации, возможность опровержения ложной информации и механизмы возмещения ущерба, причиненного клеветой.

Ключевые слова: гражданская ответственность, моральный вред, честь, достоинство, деловая репутация, сотрудники внутренних дел, клевета, компенсация, защита репутации, недостоверная информация.

Annotation: The article examines the basis and composition of civil liability for damage and moral damage caused by the dissemination of information damaging to the honor, dignity and professional reputation of the employees of the internal affairs bodies. Special attention is paid to the legal basis of protection, including the provisions of the Civil Code, legal documents on mass media, as well as special regulatory documents regulating the activities of law enforcement agencies. The elements of the offense necessary for civil legal liability are analyzed: untruthfulness of the information, the fact of its dissemination, the existence of damage and the causal relationship. The article also reveals the principles of compensation for material damage and compensation for moral damage, taking into account the individual circumstances of the case. The rights of internal affairs officers to protect their reputation, the possibility of rebutting false information and the mechanisms for compensation for damages caused by defamation are considered.

Key words: civil liability, moral damage, honor, dignity, business reputation, internal affairs officers, defamation, compensation, protection of reputation, false information.

Ички ишлар органлари ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш оқибатида етказилган маънавий зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва таркибини аниқлашда, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва таркиби мазмуни, моҳиятининг таҳлилига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, маънавий зарар тушунчаси ҳамда уни суд амалиётда аниқлаш масалаларини кўриб чиқиш ҳам муҳим. Юридик адабиётлар да фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари, шакллари, турлари атрофлича ўрганилган ва қуйидаги ғоялар шакллантирилган. Хусусан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва таркибий қисмлари сифатида қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, зарарнинг мавжудлиги, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиққан зарар ўртасида сабабий боғланиш, айб санаб ўтилади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазкур таркибий қисмлари баъзи юридик адабиётларда жавобгарликнинг асоси ёки шарт деб ҳам эътироф этилиб, унинг жиноий жавобгарликнинг таркибий қисмлари билан ўхшаш бўлиб қолиш ҳолатлари фуқаролик ҳуқуқи назариясида танқидга учраган, шунинг учун бугунги кунда уларни кўпинча фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шартлари сифатида таърифланади.

М.И.Брагинский, В.В.Витрянскийларнинг фикрига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асоси бўлиб мулкӣ ва номулкӣ фуқаролик субъектив ҳуқуқларнинг бузилиши ҳисобланади, чунки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бу

мулкий муносабат иштирокчисининг иккинчи тараф олдидаги ҳуқуқий жавобгарлигидир, ҳамда бу ҳуқуқларни бузиш натижасида етказилган зарар ҳамда уларни тиклаш юзасидан вужудга келадиган жавобгарликдир.

Бундан ташқари, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий турлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтириш асосига қараб, шартномавий жавобгарлик ва шартномадан ташқари жавобгарликка бўлинади. Шартномавий жавобгарлик шартнома мажбуриятларини бузганлик учун белгиланадиган санкция ҳам ҳисобланади. Шартномавий жавобгарликда қарздор шартнома асосида ўз зиммасига юкланган мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Шартномадан ташқари жавобгарлик эса, жабрланувчи билан шартномавий муносабатларга киришмаган ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган санкциядир.

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг юридик жавобгарликнинг ўзга турларидан фарқи, унинг мулкий характерга эга эканлиги, зарарни қоплаш, зиённи тўлаш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосини ҳамиша ҳам тўрт унсурнинг баробар бўлишини шарт қилиб қўймайди. Бу ҳар бир муносабат мазмуни ва мажбуриятларнинг аҳамиятлилик даражасидан келиб чиқади. Шунинг учун, ҳам юридик адабиётларда таъкидлаб ўтилган қонунга ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, зарар, улар ўртасидаги сабабий боғланиш, айб кабилар баъзи шартномавий мажбуриятларни бузишда барчаси ўз аксини топса баъзиларида уларнинг фақат иккитаси ёки бирининг мавжудлиги ҳам жавобгарликни юзага келтириши мумкин ёки фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш шартлари шартномали мажбуриятлар ва шартномадан ташқари мажбуриятларда турлича бўлади.

Умумий тарзда олиб қараганда, ички ишлар органлари ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ва касбий обрўсига путур этказувчи маълумотларни тарқатганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Қонунга ҳилоф ҳаракат: ички ишлар органлари ходимларининг шаъни, кадр-қиммати ёки касбий обрўсига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш қонунга ҳилоф деб топилиши керак. Бу ёлгон маълумотни нашр этиш, тухмат ёки обрўга путур етказишнинг бошқа шакллари ўз ичига олиши мумкин.

Етказилган зарар: ички ишлар органларининг жабрланган ходимида руҳий азоб, обрў-эътиборини йўқотиш, касбий мавқеини пасайтириш ва бошқалар шаклида зарар етган бўлиши керак. Бу зарар иш материаллари ва психологик экспертиза орқали исботланиши мумкин.

Сабабий боғланиш: ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни тарқатиш билан ички ишлар органи ходимининг шаъни, кадр-қиммати ва касбий обрўсига етказилган зарар ўртасида сабабий боғлиқлик ўрнатилиши керак.

Айб: Зарар маълумотни тарқатувчи шахснинг айби билан юзага келиши керак. Айб нотўғри маълумотни қасддан тарқатиш (бепарволик) ёки қасддан тухмат қилувчи ҳаракат бўлиши мумкин.

Зарарнинг ўрнини қоплаш: жавобгарликнинг якуний элементи қонунга хилоф ахборотни тарқатган шахснинг ички ишлар органларининг жабрланган ходимига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидир.

Мазкур элементларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жумладан:

Н.Х.Эгамбердиевнинг фикрига кўра, қонунга хилоф ҳаракатсизлик – бу субъектнинг оддий пассивлик ҳолати эмас, аксинча унинг ҳуқуқий муносабатдаги юклатилган ва амалга оширмаслик муайян ҳуқуқий оқибатни вужудга келтирадиган ҳаракатни бажармаслик сифатида кўрилади.

И.И.Насриевнинг ёзишича, маънавий зарар етказилишида ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг объекти фуқарога туғилган вақтидан буён қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари (ҳаёти, соғлиғи, шахснинг кадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётининг дахлсизлиғи, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш) ва мулкий ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиғи, мулк ҳуқуқи ва бошқалар) бўлиши мумкин .

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири – бу зарар етказувчининг айби бўлиши ҳисобланади. Уларга қуйдагилар киради:

□ зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

□ зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф равишда қўллаш, маъмурий жазо қўллаш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш, шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида етказилган бўлса;

□ зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим элементи сифатида етказилган зарарнинг ўзига хослиги шундаки, кўриб чиқиладиган масалада ички ишлар ходимининг шаъни, кадр-қимматига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш натижасида маънавий шикаст, зиён ёки зарар етказилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қонунчилигида маънавий зиёнга оид айрим қоидалар, унинг миқдорини белгилашга нисбатан кўрсатмалар ва талаблар белгилангани ҳолда маънавий зиён тушунчасига нисбатан қонуний таъриф назарда тутилмаган.

Ҳуқуқий адабиётларда маънавий зиён деб, жабрланувчига маънавий ёки жисмоний азоблар етказиш кўринишидаги номоддий зиён тушунилади .

Б.Марискалнинг қайд этишича, маънавий зиён мулкка бўлган ҳуқуқдан ташқари, инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқини бузилиши оқибатида вужудга келиши мумкин. Юриспруденцияда қуйидаги ҳолларда маънавий зиён мавжуд бўлиши кўрсатилган: шаън ва обрў-эътиборга путур етказилиши; жисмоний дахлсизликка тажовуз оқибатида бошдан кечирилган азоблар; инсон аъзоларига шикаст етказилиши .

И.И.Насриев Н.И.Эгамбердиевалар таъкидлаганларидек, маънавий зиён жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида у бошидан кечирган маънавий ва жисмоний азоблардир .

Р.А.Хонназаров нинг қайд этишича, маънавий зарар – ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида етказилган мулкӣ ёки номулкӣ зарар оқибатида келиб чиққан азобланиш ҳисобланади.

Б.М.Хамрокулов фикрига кўра, маънавий зиён тушунчасини тор ва кенг маънода тушуниш ҳамда талқин этиш мумкин. Тор маънода, маънавий зиён шахснинг номоддий манфаатларига путур етиши ёки унинг руҳий изтироблари ва ахлоқий азоблари сифатида тушунилса, кенг маънода маънавий зиён шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳар қандай бузилиши натижасида унинг талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқлари доираси сифатида англашилади. Биринчи ҳолатда маънавий зиён фақат кишига ғайриқонуний (айрим ўринларда эса қонуний) хатти-ҳаракат натижасида етказилган зиён сифатида унинг руҳий азоб чекиши, жисмоний ва ахлоқий изтироблари тушунилади. Масалан, шахснинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши, унинг ҳақорат қилиниши, соғлиғига шикаст етказилиши ва шу каби ҳолатларда унга маънавий зиён етказилади. Иккинчи ҳолатда эса ҳуқуқий муносабатда жабрланувчи мақомига эга шахс ҳуқуқбузардан ўзига етказилган моддий зарарни қоплаш билан бирга, маънавий зиён етказилганлигини ҳам талаб эта олишидир. Масалан, ходим ишдан бўшатилганда, асоссиз ишдан бўшатишнинг сабабли йўқотилган иш ҳақини ва айни пайтда маънавий зиённинг ҳам компенсациясини талаб қилиши ёки жабрланувчи жиноятчидан маънавий зиён тўланишини талаб этиши мумкинлигида кўринади. Бошқача айтганда, маънавий зиённи кенг маънода тушуниш сифатида яқин қариндошининг ўлими, жамиятдаги ўрни ва обрўсига путур етиши ёки киши руҳиятидаги ҳар қандай салбий ўзгаришларни тушуниш мумкин ва бунда ҳуқуқбузарга нисбатан маънавий зиённи компенсация қилиш талабини қўйиш ҳуқуқи вужудга келади.

А.М. Эрделевский маънавий зиён ҳақида гапирганда унинг негатив психик реакциялар, жисмоний ва ички кечинмалар шаклида намоён бўлишини таъкидлаб ўтади. Муаллиф маънавий зиённи бирламчи ва масофавий турларга ажратиб, бирламчи зиёнда тарқатилган ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот натижасида юзага келган психологик кечинмалар ҳисобланса, масофавийда бирламчи зиён туфайли юзага келган жисмоний ўзгаришлар касалликлар бўлиши мумкин .

А.А.Власов маънавий зиённи жимоний азоб-уқубатлар бўлишидан қатъи назар ички руҳий кечинмаларни тушуниш лозим, деб ҳисоблайди .

Жисмоний азоб чекишни маънавий зиён билан боғламаслик тўғрисида олимлар орасида тортишувлар ҳам юзага келган .

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарори кўра, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг объекти бўлиб фуқарога туғилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари (ҳаёти, соғлиғи, шахснинг кадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш) ва мулкий ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар)ни бузилиши бўлиши мумкин.

Маънавий зарар, шу жумладан яқин қариндошини йўқотиш (унинг ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин .

Юқорида қайд этилган Пленум қарори да, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган маънавий зарар бундай маълумотларни (йиққан) тарқатган шахсдан, агар бу маълумотлар тегишли ҳужжатларда бўлса, уларни маъқуллаган комиссия (гуруҳ) аъзоларининг ҳар биридан ундирилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган .

Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари,

соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим .

Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмас. Зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик ва оқилоналик талаблари инобатга олиниши лозим (ФКнинг 1022-моддаси).

Шаън ва кадр-қимматга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида маънавий зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида қўлланилади. Бу, биринчи навбатда, маънавий зарар этказган шахснинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан ифодаланган ноқонуний хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади. Бундай хатти-ҳаракатлар инсоннинг шаъни ва кадр-қимматида бўлган ҳуқуқларини бузиш, масалан, ёлғон ва тухмат маълумотларини тарқатиш, жисмоний зўравонлик (шу жумладан, калтаклаш, қийноқлар) ёки шахсий дахлсизликка тажовузларни ўз ичига олади.

Иккинчи шарт жабрланувчи томонидан маънавий зарар кўришни ўз ичига олади, бу эса у кўрган жисмоний ва маънавий азоб-уқубатлар туфайли унинг руҳий соҳасида салбий ўзгаришларга олиб келади . Ушбу тажрибаларни ифодалаш хусусиятлари таъсирланган субъектнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин. Юридик адабиётда азобнинг ташқи кўринишларининг йўқлиги унинг йўқлигини англатмаслигини ҳисобга олиб, "маънавий зарар презумпцияси" тамойилини бирлаштириш таклиф этилади.

Шу билан бирга, бир хил ҳаракат турли шахсларга турли йўллар билан таъсир қилиши мумкин бўлган нуқтаи-назар мавжуд. Шу муносабат билан, даъвогардан мустақил бўлган объектив мезонни аниқлашда қийинчиликлар юзага келади, бу судга жабрланувчининг азобланишининг мавжудлиги ёки йўқлиги ва унинг даражасини аниқлашга имкон беради. Ушбу масала суд ишларининг адолатли ҳал этилишини таъминлаш учун пухта ўйлашни талаб қилади.

Ҳаракат билан салбий оқибат ўртасида сабабий боғланишнинг ўрнатилишига келсак, маънавий зарарни қоплашнинг учинчи шарти сифатида унинг бундай ҳолларда мавжудлигини аниқлаш ва тасдиқлаш қийин иш бўлиб туюлади. Бунинг сабаби шундаки, шахсга доимо ижобий ва салбий қўплаб омиллар таъсир қилади ва ҳар доим ҳам маълум бир касаллик (масалан, юрак хуружи, инсульт, руҳий касаллик, гипертоник инқироз) эканлигини мутлақ ишонч билан айтиш мумкин эмас. ва ҳоказо) аниқ бир вазият натижасида юзага келган.

Мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, маънавий зарарни қоплаш фақат моддий компенсация шаклида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда компенсациянинг бошқа шаклларида фойдаланиш тақиқланган, гарчи бу амалиёт барча мутахассислар томонидан аниқ қўллаб-қувватланмаса ҳам. Баъзи олимлар омма олдида кечирим сўраш ёки жабрланувчининг фазилатларини таъкидлайдиган рекламаларни чоп этиш каби усулларни кўриб чиқишни таклиф қилишди. О.Е. Чоновол молиявий товонсиз

кечирим сўраш компенсация эмаслигини таъкидлаб, бу ёндашувга қўшилмайди. Шу билан бирга, у узр сўрашни фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усули сифатида қонун чиқарувчи томонидан тан олиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш энг қийин саволлардан бири бўлиб, унга на қонунчилик, на суд амалиёти аниқ жавоб беради. Бу ажабланарли эмас, чунки "ҳозирги кунга қадар ҳеч ким инсоният азоб-уқубатларининг ўлчовини ўйлаб топмаган ва унинг ўрнини қоплашнинг ҳеч қандай йўллари йўқ ". Бироқ, шунга қарамай, етказилган зарар мажбурий равишда қопланиши керак. Бироқ, маънавий зарарни қоплаш моддий йўқотишларни қоплашдан фарқ қилади, чунки кўпинча зарарнинг аниқ миқдорини аниқлаб бўлмайди. Бинобарин, маънавий зарарни қоплашни ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Бугунги кунда маънавий зарар учун товон миқдорини қандай аниқлаш кераклиги ҳақида турли нуқтаи-назарлар мавжуд.

Маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилаш нуқтаи-назаридан эътиборга молик таклиф М.Н. Малеина билдирган бўлиб, бунда у шаън ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқни бузганлик учун товон ундиришда учта аниқ мезонни ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблайди. Энг аввало, тарқатилаётган ахборотнинг моҳияти ва мазмуни ҳақидаги жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш лозим. Иккинчидан, Интернетда, хусусий компания тақдимотида ёки қўшнилар билан суҳбатда бўлсин, туҳмат қилувчи маълумотларни тарқатиш доираси компенсацияни белгилаш мезони бўлиб хизмат қилиши ва унинг миқдори маълумотлардан хабардор бўлган одамлар сонига боғлиқ бўлиши мумкин. Учинчидан, уларнинг шаъни ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар эгасига айланган шахсларнинг мақомига эътибор қаратиш лозим .

Бошқа юридик адабиётларда эса, маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда қуйидагиларга асосланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади :

- жисмоний ва/ёки маънавий азоб-уқубатлар даражаси ва табиати;
- оммавий ахборот воситалари таҳририяти ва журналистнинг мулкӣ ҳолати;
- айбдорлик даражаси;
- оқилоналик, адолатлилиқ ва мутаносиблик талаблари;
- характер ва мазмун нашрлар;
- нотўғри маълумотларнинг тарқалиш даражаси;
- ихтиёрий нашр;
- жабрланувчига у кўрган жисмоний ёки руҳий азоб-уқубатларни қоплаш мақсадига жавоб бериши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича муаллифлик таърифини келтириб ўтишни лозим топдик: “ Маънавий зарар - бу ўрнатилган ижтимоий, ахлоқий ёки маданий меъёрларни бузадиган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида шахс ёки шахслар гуруҳига етказилган ҳиссий, руҳий зарар билан боғлиқ тушунча.”

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bernard Mariscal. Indemnités pour préjudice moral : souvent requalifiées mais pas toujours // <http://www.iec-iab.be/fr/membres/Documents/Indemnites-pour-prejudice-moral-souvent-requalifiees-mais-pas-toujours-3680.pdf>
2. Андреев Ю.Н. Механизм гражданско -правовой защиты. М.,Норма,2013.463 с.,
3. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.Общие положения.-М.:Статут, 1998.-С.567.,
4. Власов А.А. Проблемы судебной защиты чести, достоинства и деловой репутации. –М.2000, 344 с.
5. Гражданское право. Часть I. Учебник /Под.ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева.-М.:Издательство ТЕИС, 1996.-С. 491.
6. Кузнецова Н.В. Проблемы компенсации морального вреда в уголовном процессе. Ижевск,1999.174 с.,
7. Малеин Н.С. Гражданский закон и права личности в СССР.- М.: Наука, 1981. –С. 163,
8. Мушинский В.О. Гражданское право. Учебное пособие. М.:Форум–Инфра, 2002.. –102–104 с.
9. Насриев И. Маънавий зиён (тушунча, таклиф, мулоҳаза). // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Т.: - №2. – 2003. 17-б.
10. Насриев И.И. Маънавий зарар, уни қоплашининг айрим муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Журнал правовых исследований. Journal of Law Research. 2017. - №3. – С. 69–70. / www.tadqiqot.uz
11. Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Тошкент, 1999. – № 6. – 75–76 б.
12. Тархов В.А. О возмещении морального вреда//Вестник Саратовской государственной академии права. 1996.№1. с.6.
13. Хамракулов Б.М. Маънавий зиёни қоплаш асосларини такомиллаштириш. юр.ф.доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.2020 й. 68-б.
14. Хонназаров Р.А. Номоддий неъматларга етказилган зарарни ундиришининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2011. 9-б.
15. Хохлова Г.В. Понятие гражданско–правовой ответственности.//Актуальные проблемы гражданского права. Вып.5. –М.: Статут , 2002. –64–84 с.
16. Шевченко Г.Н. О возмещении морального вреда. /Проблему современного законодательства и перспективу его развития. – Владивосток, 1991. – С. 79.

17. Шичанин А.В. проблемы становления и перспективы развития института возмещения морального вреда автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 1995. С.34,
18. Эгамбердиева Н. Маънавий зиён қандай қопланади?. // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Т.: -№11. – 2003. 24-б.
19. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. /Масъул муҳаррир.: ю.ф.д., проф. И.Б. Зокиров .-Тошкент . ТДЮИ, 2007. – 19–34 б.
20. Эрделевский А.М. Моральный вред и компенсация за страдания. Научно-практическое пособие. –М.: Издательство ВЕК, 1998. С.188.